



*(кулги хикоя)*

Кеч колган бозорчилардан бир тўдаси отларига шўх-шўх камчи бериб кўчадан ўтгач, камкатнов кўчанинг кўпда увалиб егмаган йирик чанглари хар томонни булутдек босди. Шундан кейингина масжид жиловхонасида ўлтурганлар кўзларини юмдилар. «Туркистон вилояти газети»ни уларга ўкиб бераётган Мулла Шамсиддин ҳам кўзини юмуб, газет билан бетини тўсди.

- Ха, ивирсимай ўлсин, кишлоки, - деди у. - Номозшом бўлганда бозордан кайтаётир...
- Кеч колгандан отга шошилиб камчи беришини кўринг, - деди яна битта чол.
- Битта-битта юрса ҳам бир нави эди, хаммаси балодай тўдалашиб юради тагин.

Сўфининг шу сўзларидан кейин чанг бир оз таркала тушиб, яна мирзанинг газет ўкуган овози чикди.

Газетнинг энг кизик хабари Маскавдаги Виставка тўгрисида эди: у виставкага Санкт-Петербург шахридан окпошшонинг ўзлари келар эмиш, виставкада ўз хунарини кўрсатган хар бир фукаросига шохона инъомлар берар эмиш.

Дурадгор уста Тўхташ гараниш (приступф) махкамасининг мирзаси бўлган Мулла Шамсиддинга юзланиб, виставкага аралашув тўгрисида маслахат сўради. Пияниста

Шамсиддин негадир отахонлар муомаласини килиб, уста Тўхташнинг виставкага атаб тайёрлайтурган муюмини ўз кўли билан пўчтага топширишга ваъда килди. Шомга азон айтилгач, эрмакли карашлар остида мачитга кираётган уста Тўхташнииг юзларида кунт килган одам халитданок ўюнда ютиб чиккан киморвознинг нашъасини кўрарди...

Бир хафта ўтмасдан ичига каттакон бир ёгоч кавуш солинган иосилка - пўчта оркали - Маскавга жўнаб кетди. Ёгоч кавушни аслига караганда икки-уч баравар зўр килиб тайёрлаган ва бир пойининг бир ёгини елим билан наридан-бери ёпиштириб кўйган устанинг ўз дидлари ва чўтлари, шунга яраша умидлари бор эди.

«Окпошшо кўради, - деб ўйлаган эди у. - Бу мамлакатдаги фукароларнинг мунчалар йўгон оёкли бўлишидан котиб-котиб кулади. Эхтимол, кийиб кўргиси келади. Кийиб кўради. Бир-икки кадам босар-босмас «тап» этиб йикилади. Бир кулги беради... Шундан кейин инъом кавушнинг ўзидан ҳам катта бўлади».

Уста Тўхташнинг кора бахтига окпошшонинг ўзи келмади. Ўз ўрнига аллакандай бир аъён (сенатор)ни юборади. Аъён ёнида Маскав губернатўри ва бошқалар бўлгани холда виставкани караркан, Туркистон бўлимида уста Тўхташнинг ёгоч кавшига ҳам диккат килди:

- Нима бу? Калўшми?
- Шундай, таксир. - деди бўлим бошлиги.
- Аъло хазратнинг Туркистон ўлкасидаги кайси фукаролари мунча зўр кавуш кияр эканлар?
- Сартлар бўлса керак, таксир...

Аъён кулди:

- Сартларнинг оёклари мунча йўгон бўлса, ўзлари кандай келар экан? - деди.

Кавушни олиб кўрди: анча огир эди. Яна сўради:

- Бунинг саноатда ахамияти кандай? Бизнинг «правўдник» калўшлари билан ракобат килоладими?

Бўлим бошлиги жавоб берди:

- Туркистонда бизнинг калўшларни туб жой халк сира киймайди. Кишда ҳам мана шуни кияди...

- Ундай бўлса, ички Русиядаги саноат шахарларидан бирида шу калўшга атаб катта бир завўд очиш масаласини кўтарингиз. Ватандош саноат ривожлансин.

- Жуда яхши бўлади, - деди Маскав губернатўри, - ўрмонга бойрок шахарларимизнинг бирида очайлик...

Аъён кавушни хали ҳам кўлида айлантиргани холда:

- Буни кийиб кўрсататурган биронта одам йўкми? - деб сўраб колди. Бу савол чакмок тезлиги билан бир неча огизда такрор килинган, бурун Туркистонда ишлаган аскарый тўралардан бири олдинга чикди:

- Мен биламан, таксир...

Катта аъёнларнинг марокли назари олдида бу кичкина тўра каддан ташкари зўр ва кўпол кавушни кийиб бир-икки кадам босар-босмас шоп-шалоплари билан гулдираб ерга йикилди ва хамманинг тортинчок кулиши остида залдан чикиб кетди.

Шунда кари аъён Маскав губернатўрининг кулогига уста Тўхташга тегишли инъомни эшитдирган эди.

Шохона инъомни Маскав губернатўри Туркистон губернатўрига, у вилоят харбий губернатўрига, у, ўз навбатида, уезд хокимига, у эса ярим кечага якин телефўн билан иккинчи даха приставига эшитдирди. Бемахал уйкудан уйготилиб уста Тўхташнинг уйига

юборилган Жалол миршаб устанинг эшигини синдиргудай бўлиб такиллатди. Устадан бурун кўни-кўшнилари уйғониб чиқдилар.

Уста Тўхташ кеча ярмида миршабни кўргач кўркиб кетди.

- Севинчини катта беринг, уста, - деди Жалол миршаб. - Окпошшонинг инъоми келтирдим!

Шундан кейин уста Тўхташ вахимаси босилиб, юзида хайрат аралаш бир севинч хосил бўлди. Лекин боши хали ҳам гаранг эди. Устанинг ёнидан бор пулини (олти тангани!) қокиб олгандан кейин, Жалол миршаб унинг кулогига эгилиб деди:

- Хизматингиз окпошшога жуда маъкул бўлиб, сизга «испасиба» айтиб юборибдилар!

Уста Тўхташ миршабни жўнатиб, ташкарининг эшигини занжирлаб ичкарига қираётган вақтда кўзига бутун дунё қоронғи эди. Бунинг устига ичкарида тўполон бошланди.

Окпошшонинг инъоми келганини эшитган хотинлар (устанинг онаси ва хотини) талашиб, нари-бери гапга бориб қолдилар. Уста соқов сингари тилини сўзсиз қалдиратгани холда икки аёлни мушт дўлайиб зўрга тинчитди.

Эрта билан гузардан йўлқирага лойик пул топиб, вилоят марказига келган уста Тўхташ вилоят губернаторининг муовини томонидан қабул қилинди. Устанинг тилини ундан яхшироқ билатурган бу одамга Тўхташ арзини қиска қилди:

- Таксир, Окпошшонинг бу катта инъомлари мендақ фақир одамга оғирлик қилиб қолди... Шу учун сизга олиб келдим...

Уста амалдор бу нозик пичингни англади ва таъсирланиб қулгани холда «икки юз сўм берилсин» деган мазмунда бир фармойиш қозғачасини уста Тўхташнинг қўлига узатди.

Катта инъомни катта амалдорга қолдириб, икки юз сўм пул билан юмшоқ вағўнда ўз шаҳрига қайтаётган уста Тўхташ шу топда товук катаги бўлиб турган ёпикни даранглаган бир уйга айлантиришга қатъий қарорини берган, фақат қимнинг қизига совчи қўйишини билмай хайрон эди...